

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЎСИШИНИ ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ

Ауезов О.Т.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти таянч докторанты.

Матжанова Ш.П.

Нукус тумани 22-сонли орта мактабнинг география пани уқитувчиси.

Ауезова Н.

Нукус тумани 21-сонли орта мактабнинг география пани уқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10999353>

Аннотация. Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ўсиши туманларда даврий нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Шунингдек, аҳоли сонининг ўсишига таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

Калим сўзлар: аҳоли ўсиши, табиий кўпайиш, миграция, аҳоли жойлашуви, демографик сизим.

GEOGRAPHICAL ANALYSIS OF POPULATION GROWTH OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAGISTAN

Abstract. This article discussed the population growth of the Republic of Karakalpakstan both from a regional and periodic point of view. Factors influencing population growth were also studied.

Keywords: population growth, natural increase, migration, population distribution, demographic capacity.

ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРИРОСТА НАСЕЛЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ КОРАКАЛПАГИСТАН

Аннотация. В данной статье рост населения Республики Каракалпакстан в районах изучается с периодической точки зрения. Также изучены факторы, влияющие на рост численности населения.

Ключевые слова: прирост населения, естественное воспроизводство, миграция, расселение населения, демографическая плотность.

Демографик вазият мураккаб социал, иқтисодий, географик ва сиёсий жараён бўлиб, у мамлакат аҳолиси сонининг ўсиши, унинг манбалари бўлмиш табиий кўпайиш, аҳоли миграцияси ва жойланиши, урбанизацияси, аҳолини миллий ва ижтимоий таркиби, оила, меҳнат ресурслари ва иш билан таъминланиш даражасини ўзида акс эттиради. Ушбу жараён мамлакатимизнинг ўтиш даврида ижтимоий-иқтисодий омиллар натижасида янги демографик вазиятни вужудга келтирди ва у олдинги даврдагилардан бутунлай фарқ қилади. Умуман олганда, минтақа аҳолиси демографик жараёнларида содир бўлаётган ўзгаришларга ўтган асрнинг 90-йилларидан кейин аҳоли сони ўсиш даражасининг кескин камайиб бориши, шунингдек, бу жараёнга табиий кўпайиш, айниқса туғилишнинг нисбатан камайиши ҳамда ташқи миграция салбий оқибатларининг ўсиши таъсир этди.

Аҳолининг миллий ва этник таркиби ҳамда урф-одатларининг ўзига хос хусусиятлари туғилиш даражасининг катта ёки кичик бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

[3] Масалан, кўпгина халқларда тарихан урф-одатларига кўра кўп фарзанд кўриш хуузгача сақланиб келмоқда. Ушбу ҳолат яқин йилларгача мамлакатимиз маҳаллий, айниқса қишлоқ жойлари аҳолиси учун хос бўлиб келган. Лекин, юқорида келтириб ўтилган омиллар натижасида аҳолининг ўсиш суръати анча камайиб кетди.

Демак, аҳоли такрор барпо бўлиши қатор омиллар таъсирида содир бўлади. Бу борада Я.И.Рубин шундай деб ёзади “Жинсий инстинкт, фарзанд кўриш қурби, янги туғилган чақалоқларнинг жинсий нисбати, балоғатга етилиш, фертиль (бола кўриш) даврининг узқлиги ва генетик қонуниятлар муайян тарзда аҳоли такрор барпо бўлишида муҳим аҳамият касб этади” [1].

Б.Н.Семевскийнинг таъкидлашича “аҳолининг туғилиш ва ўлими табиий қонуниятларга бўйсунувчи биологик жараёндир. Унга бир қанча, масалан, ҳалигача мукамал ўрганилмаган “уруш йиллари феномени” каби омил ҳам таъсир қилади. Бунда, миллионлаб эркаларнинг урушга сафарбар этилиши ва уларнинг ўлиб кетиши оқибатида аҳолининг ёш-жинс таркибида аёллар улушининг ортишига олиб келади.

Лекин, ундан кейинги йилларда эркалар туғилиши аёлларга нисбатан бироз кўп бўлиб, бир неча йиллардан кейин улар ўртасидаги жинсий нисбат тенглашиб, мувозанатлашиб боради” [2].

Масалан Қорақалпоғистон аҳолиси асосан Амударё дельтаси бўйлаб зич жойлашган бўлса, қолган ҳудудларда жуда сийрак тарқалганлиги кўзга ташланади. 2011 йил 1 январ ҳолатига Республика аҳолиси 1,68 млн кишини, аҳоли зичлиги эса 1 кв.км. га 10,1 кишини ташкил этади. Республика ҳудудида аҳоли бир текис жойлашмаган. Аҳолининг 90 фоиздан ортиғи, Амударё дельтасида жойлашган. Бу ердаги айрим туманларда аҳоли зич бўлса, бошқаларида, аксинча, сийрак жойлашган. Қорақалпоғистон аҳолиси 2021-йил 1-январ ҳалотида 1923 минг кишига етти. Бу Ўзбекистон аҳолисининг 5% туғри келади.

Қорақалпоғистонда доимий аҳоли сони йилдан-йилга купайиб бормоқда. Лекин олдинги йилларга караганда ўсиш суръати бироз пасайган. Бунга бир қанча омиллар таъсир қорсатади. Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг демографик хусусиятлари билан мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан кескин фарқ қилади. 2010 йил маълумотлари бўйича республика аҳолиси 1680,0 минг кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич 1991 йили 1307,4 минг киши, 1995 йили 1414,9 минг киши, 2000 йили 1503,0 минг киши 2005 йили 1575,0 минг кишига тенг бўлган. Агар ҳудуд аҳолисининг кўпайишига эътибор берсак, 1991-2010 йилларда аҳоли сони йилига ўртача 128,5 % га, ёки 372,6 минг кишига кўпайган.

Ўсиш тўла аҳолининг табиий кўпайиши ҳисобига бўлаяпти. Аҳолини табиий кўпайиши ҳар минг кишига 1991 йили 29,8 кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 18,1 кишига тенг бўлган. Бироқ, бу кўрсаткич Республика туманлари бўйича бир хил эмас. Масалан, 2010 йил аҳолининг табиий кўпайиши Беруний, Қораўзақ, Қўнғирот, Нукус, Хўжайли, Чимбой ва Эликқалъа туманларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган бўлса, қолган туманларда эса, аксинча, нисбатан пастлиги билан ажралиб туради. Хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий ташкил этишда аҳолининг жойлашиши ва зичлик кўрсаткичлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг асосий қисми табиий жиҳатдан ерсув шароитлари нисбатан яхшироқ бўлган ҳамда транспорт-иқтисодий алоқалари яхши ривожланган Амударё дельтаси бўйлаб зич жойлашган. Ушбу кўрсаткич Хўжайли, Амударё, Шуманай, Эллиққалъа, Тўрткўл, Қанликўл, Чимбой ва Беруний туманларида анча юқори (1 кв.км -30 киши ва ундан ҳам ортиқ). Шу билан бирга аҳоли зичлиги кишлоқ туманлари ҳудудининг катта-кичиклигига ҳам боғлиқ.

Масалан, Қорақалпоғистон ҳудудининг 45,6% ини Қўнғирот, 22,7% ини Мўйноқ, 12,7% ини Тахтақўпир туманлари эгаллаб, бу ҳудудга республика аҳолисининг атиги 10,5% тўғри келади. Амударё дельтасида жойлашган Амударё, Хўжайли, Эллиққалъа, Беруний, Тўрткўл туманлари ва Нукус шаҳрида эса республика аҳолисининг 64,2% истиқомат қилади. Минтақада Орол денгизининг қуриши билан вужудга келган экологик муаммолар натижасида аҳоли миграцияси кучайди. Республикадаги миграция жараёни шимолдан жанубга, яъни Орол денгизидан узоқлашиб борган сари фарқланиб боради. Бундай ҳудудий тафовутларни аҳолининг табиий кўпайиш жараёнлари, айниқса ўлим кўрсаткичлари, ташқи миграциясида ва жойланишида ҳам кўришимиз мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотларига кўра 2000 йили миграция сальдоси -5,4 минг киши, 2005 йили -21,3 минг кишига тенг бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич -11,6 минг кишини ташкил этган. Ушбу кўрсаткич республиканинг шимолий туманларида жанубий ва марказий туманларига нисбатан юқорилиги билан ажралиб туради

Қорақалпоғистонда аҳоли сони йиллик орташа 20 минг кишига копайиб бармакта. Бунинг асосий сабаби регионнинг ижтимоий-иқтисодий омиллар натижасида озғариши билан бағлиқ, масалан 1929-1939- йиллари регионнинг аҳолиси 144,7 минг кишига, 1939-1959-йилларида 34,4 минг кишига, көпайган 1959-1979-йиллари 394,2 минг кишига, 1979-1989-йилларида 306,7 минг кишига, 1989-1999- йилларида 266,5 минг кишига, 1999-2009-йилларида 136,9 минг кишига, 2009-2021-йилларда 308 минг кишига ва регионнинг аҳолисининг өсиши демографик ҳолати ва өзгаришлар Қорақалпоғистон туманлари бойиша өзига хос хусиятга егадир.

2009-2021-йилларда Тахитош 155,6 фоизга, Шоманой 139,1 фоизга, Эллиққала 126,9 фоизга, Турткул 126,3 фоизга, Амударя 125,2 фоизга, Беруний 123,8 фоизга, Қонликул 120,2 фоизга, Қароузек туманларида 120,0 фоизга, көпайган, Хожеили 86,5 фоизга, Кегейли 92,8 фоизга, камайган. Аҳоли сонининг көпайиши ва регионнинг демографик ҳолати урганган ва тадқиқ этилаётган даврда Қонырат, Мойнак, Шимбай, Нукус, Тахтақўпир туманларида 119-101 фоиз араликда болган. Нукус шаҳрида 120,4 фоизга көпайган, Республика бойиша аҳоли сони ўсиши орташа 119,1 фоизга тенг.

Хулласа қилганда аҳолининг ўсиши ва анализ қилиш масалаларини иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ этишнинг бир неча йўналишларини кўрсатиш мумкин. Аммо муҳими шундаки, бу йўналишларни бир-бирлари билан уйғунлашган ҳолда олиб бориш ҳамда маълум бир туманлар ичида тафовутлари ва хусусиятларини аниқлаш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекистана. – Т. Узбекистан, 1983. – 17 с.
2. Ембергенов Н.Ж. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолининг ўсишининг жойланишидаги ўзгаришлар. Г.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. – Т., 2011. – 19 б
3. Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. – Т.Университет, 2006. – 95 б.